

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 368.021:004:005.334-048.32(575.1)

ХОЛБАЕВ АЗАМАТ ЮЛДАШОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИНФОРМАЦИОН РИСКЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ
АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.д., доц. И.Х.Абдурахмонов

Тошкент – 2024

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3
I-БОБ. ИНФОРМАЦИОН РИСКЛАР: МОҲИЯТИ, ТУРКУМЛАНИШИ, УЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ.....	12
1.1. Информацион рискларнинг иқтисодий моҳияти ва классификацияси.....	12
1.2. Информацион рисклардан иқтисодий ҳимоялаш механизмалари таҳлили.....	24
1.3. Информацион рискларни бошқариш ва баҳолашнинг ҳалқаро тажриблари.....	42
Биринчи боб бўйича хулоса	55
II-БОБ. ЖАҲОН ВА МИЛЛИЙ СУҒУРТА БОЗОРИДА ИНФОРМАЦИОН РИСКЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	57
Ўзбекистон суғурта бозори кўрсаткичларининг амалий таҳлили.....	57
2.2. Информацион рискларни суғурталашнинг жаҳон тажрибалари таҳлили.....	73
2.3. Информацион рискларни суғурталашда мавжуд иқтисодий муаммолар ва истиқболли ечимлар.....	87
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	98
III-БОБ. МИЛЛИЙ СУҒУРТА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИДА ИНФОРМАЦИОН РИСКЛАРНИ СУҒУРТАЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	101
3.1. Ўзбекистон суғурта хизматлар бозорида информацион рискларни суғурталашни ривожлантириш йўналишлари.....	101
3.2. Информацион рискларни суғурталаш турларини такомиллаштириш истиқболлари.....	110
Учинчи боб бўйича хулоса.....	121
ХУЛОСАЛАР.....	123
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	126

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда рақамли иқтисодиёт шароитида бозор иштирокчиларининг тижорат сирлари махфийлигини янада мустаҳкалаш пировардида иқтисодий йўқотишларни минималлаштиришда, рақамли тижорат фаолиятининг ривожланиши тараққиётида истеъмолчилар ҳуқуқларини барқарор таъминлашда суғурта хизматларидан фойдаланишни кенгайтиришга эътибор қаратилмоқда. Жаҳон киберхавфсизлик тадқиқотлари ҳисоботига кўра, «2023 йилда глобал киберсуғурта бозори ҳажми 13,78 млрд.АҚШ долларни ташкил этади. 2029 йилга келиб мазкур кўрсаткич 53,34 млрд.АҚШ доллариға етказиш прогноз қилинмоқда»¹. Иқтисодий муносабатларнинг рақамли трансформацияси суғурта хизматлари бозорида таклиф этилаётган суғурта маҳсулотларини янада кенгайтириш, информацион рисклардан ҳимояланганлик даражасини таъсирчан ошириш, информацион рискларни тўғри бошқариш ва уларнинг салбий оқибатларини камайтириш борасида самарали молиявий-иқтисодий ечимларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда суғурта хизматлари бозорининг барқарорлигини таъминлаш, рискларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, информацион рискларни самарали бошқариш, тақсимотини такомиллаштириш, актуарий ҳисоб-китобларни ривожлантиришга қаратилган илмий изланишларга эътибор қаратилмоқда. Информацион рискларни суғурталаш самарадорлигини ошириш мақсадида шартнома олди экспертизада табақалашган чегаравий меъёрий миқдорларини белгилаш, суғуртага қабул қилинаётган информацион ресурсларнинг қиймати, хавфи ва таҳдидлардан ҳимояланмаганлик даражаси, электрон тижорат платформалари ва информацион активларнинг хавфсизлигини таъминлаш, информацион рисклар бўйича тарифларни дифференциациялаш ҳамда ҳуқуқий ҳимоя

¹ <https://www.researchandmarkets.com/reports/5938534/cyber-insurance-market-global-industry-size#rela4-5201067>